

Фикҳий мазҳабларни ўрганишнинг нима кераги бор?



13:17 / 10 декабрь 816

Бир биродаримиз савол берибдилар: «Фикҳий мазҳабларни ўрганишнинг нима кераги бор? Ўн тўрт асрдан бери шу аҳвол. Нега замонавий, янги фикҳга ўта қолмаймиз?»

Бу саволнинг жавоби жуда узун. Саволларга жавоб беришни ваъда қилганим учун, қисқа бўлса-да, жавоб бераман. Аввало, умуман, фикҳий мазҳаблар нима эканини билишимиз керак.

Аввало буюк мазҳабимиз – ҳанафий мазҳаби ҳақида гаплашсак.

Қуйида бу ҳақда батафсил маълумотлар келтирилади, ҳанафий мазҳабининг қоидалар мажмуаси тушунтирилади. Бу қоидалар Қуръон ва Суннатдан олинган. Ҳозир эса тафсилотсиз, умумий айтиб ўтаимиз.

Ҳанафий мазҳаби Қуръон ва Суннатдан олинган қоидалар мажмуасидир. Бошқача қилиб айтганда, ҳанафий мазҳаби Қуръон ва Суннатдаги қоидаларга асосан чиқариб олиш мумкин бўлган ҳукмларнинг хулосасидир. Бу қоидаларни саҳобалар, тобеъинлар ва мужтаҳид имомлардан иборат умматнинг энг катта уламолари ишлаб чиқишган, Қуръон ва Суннатни ўрганиб, ушбу қоидалар мажмуасига асос солишган. Уларнинг манҳажини кейинроқ баён қиламиз.

Демак, ҳанафий мазҳаби ибодат, муомалот ва бошқа барча соҳаларда Қуръон ва Суннатдаги қоидаларнинг ҳулосаси экан. Буни қандай тушуниш керак? Масалан, бугунги кунда автомашина, самолёт ва поезддан фойдаланишнинг ҳукмини, акция муомалалари ва бошқа масалаларнинг ҳукмини мана шу қоидаларга солиб ўрганамиз. Лекин Қуръон ва Суннатда айнан машина ёки самолётнинг, акциядорликнинг ҳукми йўқ-ку? Унинг ҳукмини қаердан оламиз? Уларни Қуръон ва Суннат асосида ишлаб чиқилган қоида асосида оламиз. Бизга керакли масаланинг ҳукми ана шу қоидадан келиб чиқади. Бунинг тафсилотини кейинчалик ўрганамиз.

Хуллас, ҳанафий мазҳаби мана шу машаққатли вазифани бажарди. Сизу биз ўтириб, ўша қоидаларни ишлаб чиқишимизга, бугунги кундаги масалалар бўйича ҳукм излашимизга эҳтиёж қолмади, бунинг ўрнига мана шу мазҳаб «Марҳамат» деб, бу қоидаларни тақдим қилди. Аввалги авлодлар ўз давридаги масалаларни бу қоидаларга қандай солган бўлса, биз ҳам ейиш-ичишдан тортиб барча масалаларни шу қоидаларга солишимиз мумкин бўлди.

Баъзи одамларда «Фикҳдаги масалалар асосан ўша пайтдаги, тарихдаги масалалар-ку, бугун уларнинг кераги йўқ-ку», деган хато фикр бор. Фикҳ Қуръон ва Суннатдан олинган қоидалардан иборат. Бугунги масалага ечим топмоқчи бўлсак ҳам, барибир ана шу қоидаларга мурожаат қилишимиз керак бўлади. Ҳаётимизда дуч келадиган ҳар қандай масаланинг ҳукмини мана шу қоидалар ёрдамида билиб олишимиз мумкин.

Бир мисол келтирайлик. Масалан, ҳанафий мазҳабида «Бадандан чиққан ҳар қандай нажосат таҳоратни бузади», деган қоида бор. Буни ҳаммамиз биламиз. Таҳоратни бузадиган нарсаларга оид қоидалар ҳам Қуръон ва Суннатдан олинган. Лекин шифохонага бориб, донор сифатида ёки таҳлил учун қон топширсам-чи? Бунда ҳам таҳорат бузиладими? Бу нарсалар тарихда бўлмаган, лекин ҳозир бор. Мана шу масаланинг ҳукми қандай бўлади? Буни ҳам Қуръон оятларидан, ҳадислардан қидираманми? Албатта, йўқ! Илм ўрганган бўлсангиз, «Танадан чиққан қон таҳоратни бузади», деган қоидани биласиз. Қон – бу нажосат, у бадандан чиқди. Донорликданми, таҳлил учунми, фарқи йўқ. Мана, масаланинг ҳукми. Бир сониядаёқ билиб олдим. Агар «Танадан чиққан қон таҳоратни бузади» деган мана шу қоида бўлмаса, Қуръон ва Суннатдан ярим йил қидирсам ҳам, топа олмас эдим.

Бу каби илгари бўлмаган, лекин ҳозир пайдо бўлган масалалар жуда кўп. Хўш, уларнинг жавобини, ҳукмини қандай қилиб топамиз? Саҳобалар,

тобеъинлар, мужтахид имомлар асрлар давомида ишлаб чиққан қоидаларни янгитдан ишлаб чиқамизми? Шундай қилишга ҳаққимиз борми ўзи? Йўқ, биз бундай қила олмаймиз. Бунинг учун бизда ўзимиз ишлаб чиққан усулул-фиқҳ қоидалари бўлиши керак. Шунинг учун бугунги кунда пайдо бўлаётган барча масалаларни мазҳабларнинг қоидалари орқали билиб оламиз. Бу мавзуда жуда узоқ гапириш мумкин. лекин ҳозир шу билан кифояланиб, ўрни келганда яна кенгроқ тўхталамиз.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.